

15. Сурхондарё Оқоба сув бошқармаси жорий архив. 2011 й. 5-баённома. 3-хужжат, 17-варақ.

БУХОРО АМИРЛИГИДА 1910 ЙИЛ ЯНВАР ВОҚЕАЛАРИ ШАРИФЖОН МАХДУМ САДР ЗИЁ ТАЛҚИНИДА

Янгибоева Дилноза Ўктамовна

Термиз давлат университети “Ўзбекистон тарихи ва манбашунослик”
кафедраси доценти в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: Мазкур мақолада маҳаллий тарихшунос, маърифатпарвар Муҳаммад Шарифжон махдум Садри Зиёнинг “Рўзнома” асари асосида 1910 йил 9 январ куни Бухоро амирлигида суннийлар ва шиалар ўртасида келиб чиққан қонли тўқнашув тафсилотлари ёритилади.

Калит сўз ва иборалар: Рўзнома, илими толиб, Остонакул қўшбеги, муҳаррам ойи, Бақохўжа қозикалон, Бурхониддин раис, амир Абдулахад, рус маъмурлари, Саид Олимхон Тўра, Қарши.

Аннотация: В данной статье освещаются подробности кровавого конфликта между суннитами и шиитами в Бухарском эмирате 9 января 1910 года на основе труда «Рузнома» краеведа и просветителя Мухаммада Шарифджона Махдума Садри-и Зия.

Ключевые слова и фразы: Рузنامه, студенты, Останакул кошбеги, месяц Мухаррам, Бакаходжа Казикалон, Бурхониддин Раис, Амир Абдулахад, русские администраторы, Саид Алимхан Тюра, Карши.

Annotation: This article covers the details of the bloody conflict between Sunnis and Shiites in the Emirate of Bukhara on January 9, 1910 based on the work "Ruzname" of the local historian and enlightener Muhammad Sharifjon Makhdum Sadr Zia.

Key words and phrases: Ruzname, students, Ostanakul koshbegi, month of Muharram, Bakahoja Kazikalon, Burkhoniddin Rais, Amir Abdulahad, Russian administrators, Said Alimkhan Tyura, Karshi.

XX аср бошларида Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида энг катта воқеалардан бири 1910 йилдаги суннийлар

билан шиалар ўртасида юз берган сиёсий қарама-қаршилик ва ўзаро хунрезлик ҳисобланади [1. 130]. Ўша давр манбаларида бу можаро «ашуро фитнаси» номи билан тилга олинади [2. 87]. Ушбу можаро тафсилотлари шу даврда яшаб фаолият кўрсатган Шарифжон махдум Садри Зиё [3. 141 а – 146 б], Мирза Салимбек [4], Муҳаммад Али Балжувоний [5. 39-41], Садриддин Айний [1. 58-59], Абдурауф Фитрат [6. 16-26] каби тарихнавис ва тараққийпарварлар асарларида қайд этиб ўтилган.

Маърифатпарвар Муҳаммад Шарифжон махдум Садри Зиёнинг биографик характердаги “Рўзнома” (“Кундалик”) асари Бухоро амирлигининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларидаги сиёсий-ижтимоий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритувчи муҳим маълумотларга бой. Садри Зиёнинг ушбу асари 1918 йилда бошқа асарлари қатори ёқиб юборилган ва кейинчалик, 1920-30 йиллар орасида муаллиф хотиралари асосида қайта ёзилган [3. 1].

Асар 1306/1889-90 йилда амирликда тарқалган вабо ва шу касаллик билан Садри Зиё отасининг вафот этиши воқеалари билан бошланади. Сўнгра қози Абдушукурнинг ҳаёти ва фаолиятини, 1893 йилдан 1920 йилларгача муаллифни Бухоронинг Хутфар тумани ва бошқа шаҳар ҳамда туманларида қози лавозимида тайинлаганлиги, Бухоро амирлигида, хусусан, ўзи қозилик қилган вилоят ва туманларда, шунингдек, хорижий мамлакатларда бўлган воқеалар ҳақидаги хотирасини тавсифи берилган.

Бу асарда муаллифнинг Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон, Россия халқларининг маданий ва ҳўжалик ҳаёти тўғрисида

хотиралари кўп. Аммо ушбу ишнинг асосий аҳамияти - бу унинг Бухоро, бухороликлар ва муаллифнинг замондошлари тўғрисидаги маълумотлар.

Садри Зиё “Кундалик”ларида 1328/1910 йил январида Бухорода суннийлар билан шиалар ўртасида бўлиб ўтган қонли тўқнашувга кенг ўрин берилган. Ушбу можарони келтириб чиқарган асосий сабаблар, унинг бошланишига туртки бўлган баҳона ҳамда воқеаларнинг кейинги ривожини батафсил баён қилади.

Садри Зиёнинг хабар беришича, ушбу тўқнашувнинг келиб чиқишига асосий сабаб ҳокимият тепасига шиа йўналишига мансуб амалдорларнинг келиши ва баъзи бир нуфузли ҳамда даромадли лавозимларга ўзига яқин шиаликка мансуб кишиларни тайинлаши бўлган [7. 254-255]. Дарҳақиқат, бу пайтда Эронда юз берган инқилоб натижасида унга қарши турганлар мағлубиятга учраб, мамлакатдан қочишга мажбур бўлишди. Уларнинг кўпчилиги Бухорога келиб ўрнашди ва кўшбеги Остонакул [8] нинг ҳимояси остида амирликда муҳим лавозимларни эгаллашди. Нуфузи баланд ҳисобланган закотчи, мироб, тўқсоба ва бошқа шу каби эътиборли лавозимларда ҳаммаси эронликлар бўлиб, улар ҳам ўз навбатида яқин атрофига эронликларни ишга қўйган [9. 16-17]. Аввал ўзларининг диний маросимларини яширин равишда, фақат ўз гузарларида ўтказган шиаларга 1908 йилдан эътиборан муҳаррам ойида ўтказиладиган мотам маросимларини очиқ нишонлашга рухсат берилди. Бундан суннийлик тарафдорлари Бақохўжа қозикалон ва Бурҳониддин раис норози бўлди [10. 48-49].

Садри Зиё воқеалар ривожини қуйидагича тасвирлайди: “Шундай қилиб, шиалар бу йилги (1910) муҳаррамда (9 январь) Самарқанд дарвозаси яқинидаги сарбозхонада ўз мазҳабларининг диний мотам маросимларини ўтказиш учун тўпланишди. Бухоронинг турли табақа вакиллари кунлик шаҳар ташқарисига ўз юмуши юзасидан ёки дам олиш мақсадида чиқадиган ўткинчилар уларни нима билан шуғулланишаётганига қараб ўтишарди. Бир куни Хўқандлик илм толиблари мадраса

тахсилдан сўнг, одатдагидек бошқалар катори шаҳардан қайтаётганда, улардан бири шиаларнинг амалга ошираётган диний маросимини кузатиб, устидан кулган. Бу эса бир гуруҳ шиаларнинг нафсониятига тегиб, бояги талабани калтаклашни ва тепишни бошлашган. Шунда бошқа илм толиблари, “дўст бошга кулфат тушганда билинар” нақлига амал қилган қилган ҳолда унинг ҳимоясига ошиққан, ва натижада, кичик жанжал келиб чиққан” [7. 255]. Садриддин Айний маълумотида кўра, талабалар Тошкент, Фарғонадан бўлиб, Бухоро эронийларининг маросимларини томошаси учун атайлаб ташриф буюрган ва улардан бири шиаларнинг ғайритабиий хатти ҳаракатлари устидан кулган. Натижада бу ҳолатдан ғазабланган эронийлар томонидан пичоқланиб, ярадор қилинган [1. 60]. Фитрат эса “талаба уриб ўлдирилган” деган мишмиш тарқатилганлигини таъкидлайди [6. 20-21]. Унинг фикрига кўра, раис ва қозикалон томонидан суннийлар жамоасини шиаларга қарши қўйиб, Остонакул қўшбегини ўз лавозимидан кетказиш бўлган.

“Ушбу ҳодиса ҳақида шаҳар аҳли хабар топди. Натижада бўрон кўтарилиб, тартибсизликлар бошланди, суннийларнинг барча донишманду аҳмоқ издошлари тўпландилар, улар қаерда (нолойик) янгилик (бидъат) пайдо бўлса раҳм шафқат қилмасдилар. Аввал Жўйбор ва Хиёбон гузарининг ақидапараст рофизийлари [11] кўлида қурол билан суннийларга қарши қонунсизлик қиличини тортди ва жуда катта ҳурматсизлик қилди. Шу сабаб икки томондан гуноҳқору беғуноҳнинг қони кўп тўкилди. Ва ниҳоят, “Ҳақ келди, ботил йўқ бўлди” [12]: уч кундан кейин суннийлар жамоаси ақидапарастларни енгди” [7. 255]. Суннийларнинг вакиллари Бухоро Аркига келиб, кўшбеги Остонакулдан гуноҳқорларни жазолаш ва қамалганларни озод қилишни талаб қиладилар. Бироқ ўзи шиа мазҳабидан бўлмиш Остонакул қўшбеги йиғилганларга қарши сарбозларни юборади ва икки ўртада жанг бошланади. Бозорда ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида жанжал кўтарилади. Энг катта тўқнашув Хиёбон мадрасаси атрофида содир бўлиб, бу ерда суннийлардан 240 нафаргача киши қурбон

бўлган. Шундан сўнг суннийлар бутун шаҳарга тарқалиб, дуч келган эроний-шиаларни қира бошлаганлар. 10 январ куни Эррондан келган мужоҳид Ҳожи Мир Алининг ўлдирилганлиги тўғрисида эроний шиалар ўртасида миш-мишлар тарқалиши оқибатида 11 январга ўтар кечаси тун билан шаҳар атрофларидаги қишлоқлар ҳамда Янги Бухоро (ҳозирги Когон)дан қуролланган эронийлар оқими Бухоро шаҳрига кела бошлайди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, тўпланганлар сони 10 000 кишига етган. Улар Бухоро қўшбегиси Остонакулнинг бевосита мададига таянган ва суянган [2. 89].

Бухоро шаҳрида вазият мураккаблашгач, амир ҳукумати бу ғалаёни бостириш ва Бухорода тартиб ўрнатиш учун ўлкадаги рус маъмурларидан ёрдам сўрайди. 11 январда Самарқанд ва Каттақўрғондан полковник Панов раҳбарлигида ўқчи рота ва казаклар юзлиги 4 та пулемёт билан етиб келади. Бу ҳақда Садри Зиё: “Бу орада Бухоронинг Россияга қарашли Самарқанд ҳудуди ҳокими (полковник Панов) шаҳарни ҳимоя қилиш мақсадида бир гуруҳ аскарлар ва иккита тўп билан поездда келиб, шиалар вакилларига айбини тан олди” [7. 256], дея маълумот берган. Икки йўналиш ўртасидаги келишмовчилик ҳақидаги хабар Санкт-Петербургга етиб борди. Бош вазир П.А.Столипиннинг буйруғи билан хунрезликнинг олдини олиш учун 1 Туркистон армияси корпуси штабининг бошлиғи генерал-майор Г.Г. Лилиентал бу ерга юборилди.

“Ўша тўқнашув содир бўлган кунларда халифа даражасини эгаллаган амир ҳазратлари Карминада бўлиб, муаммони ҳал қилиш учун Бухорога тахт вориси, шаҳзода Олимхон Тўрани юборди. Амирзода қадамранжида қилиб улгурмай, йўл қўйилган душманлик тинчликка, қарама-қаршилиқ ярашувга йўл берди” [7. 257-258].

13 январда Карманадан Бухоро шаҳрига етиб келган Саид Олимхон халқнинг талаби ва тазйиқи остида Остонакул қўшбеги, Саид Олим ва Мир Олим тўқсаболарни вазифасидан четлаштиради. Садри Зиёнинг хабар беришича, “Амир ҳазратлари, Худонинг

ердаги сояси, Россия билан ҳамкорликда шиалик тарафдори бўлган амалдорларни лавозимларидан озод қилишди ва ушбу жамоат раҳбарларини ҳибсга олиб, зиндонга ташладилар. Уларнинг орасида бош вазир - Остонакулбий кулли-қўшбеги ҳам бор эди. У Бухорои шарифнинг аркони давлатида ўзининг фазилатлари ва савоб ишлари билан машҳур бўлган. Бош вазирнинг аждодлари шиа йўналиши ва жамоасига тегишли бўлганлиги туфайли у айбдор деб топилди ва ўз лавозимидан бўшатилиб, оила аъзолари ва қариндошлари билан Кармана вилоятига *амир закотчиси* сифатида жўнатилди.

Саркарда Сайид Али тўқсабо, бу давлатнинг бош вазири ва шиалик тарафдори қўшбегининг куёви Муллажон Мирза, шунингдек мироб Иброҳим тўқсабо сингари амалдорлар, шу ўринда таъкидлаш жоизки, ушбу шафқатсиз тўқнашув вақтида ҳар иккала тўқсабо олти ойдан буён Ком-и Мех амлоқдорлигида бўлганлиги маълум бўлди, бироқ улар ҳам Эронга жўнатилди. Аммо бир йил ўтгач Саид Али тўқсабо аркони давлатнинг шафқатига муяссар бўлиб, Бухорои Шарифдан паноҳ топди ва Хатирчи вилоятига *бош қўмондон* лавозимига тайинланди.

Юқорида қайд этилган бош вазир – қўшбеги ишдан бўшатишгач, унинг ўрнига Шаҳрисабз ва Китоб ҳокими суннийлар жамоатига мансуб ҳақиқий такводор, иймонли ва ишончли шахс, саодат сари ўсиб боровчи Мирзо Насруллоҳбий кулл тайинланди ва ҳукумат ўринбосари бўлди. Ишдан бўшатишгач вазирнинг ҳолати юқорида эслатиб ўтганимиздек эди. У тахминан бир йилни шундай ўтказди. Ҳозир у Зиёвудин ва Хатирчи туманларига *бошқарувчи* этиб тайинланган.

Ушбу тўқнашувлар тугаб, тинчлик ўрнатилгач империя вакиллари Мулла Бурҳониддин раис ва Мулла Ғиёсиддин Садр Аъламни талабаларни қўллаб-қувватлашда айблаган. Мулла Бурҳониддин Садр Бухорои шариф раислигидан озод этилди. Унинг ўрнига Чаҳоржўй вилоятининг қозиси Мулла Қавомиддин Хўжа Садр тайинланди. Ишдан бўшатишгач Садр етти ой мобайнида Карманадаги Қосим Шайхда қолди ва кўплаб мусибатларга дучор бўлиб, у ердан

Ғиждувон тумани қозилик маҳкамасига тайинланди. Мулла Ғиёсиддин Садр Аълам ҳам бир қанча вақт ўтгач, амирнинг қўнглига йўл топди ва ушбу сатрлар муаллифи Ғиждувон тумани қозилигига тайинлангач, унинг ўрнига минг хил муаммолар гирдобидаги Насаф вилояти қозилигига ўтказилди” [7. 256-257].

15 январда сунний ва шиалик тарафдорларининг ярашиш учрашуви ташкил этилади, шундан сўнг рус қўшинлари шаҳардан олиб чиқилди. Бу хунрезликда шаҳар хунармандлари, ишчилар, майда савдогарлар, муллаваччалар, уламолар ва бошқалар қатнашди. Хунрезлик ҳақидаги хабар Бухоро амирлиги туманларидаги аҳолини ҳам жунбушга солди.

1910 йилда Қаршида қозилик вазифасини ўтаётган Садри Зиё Қарши қўрғонида ҳам суннийлар билан шиалар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтгани, шахсан ўзининг раҳбарлигида унинг тезда тарқатилгани, шунга қарамай бир неча киши ўлдирилганлиги ҳақида хабар берган [3. 141a-146b]. Бу тўқнашувлар амирлик ва

мустамлакачи Россия империяси маъмурларини ваҳимага солди.

Бухородаги ашуро фитнасидан Россия империяси Бухоро амирлигининг ички ишларига аралаштиш учун бир дастак сифатида унумли фойдаланди. Хатто шу баҳона билан амирлик ҳудудини бевосита Россия империяси таркибига қўшиб олишга ҳаракат қилди. 1910 йил 28 январда Россия империяси Министрлар Советида ушбу масала кенг муҳокама қилинди. Унда Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини рус губерниялари сифатида Россия империяси таркибига қўшиб олиш ғоясини маъқулладилар. Бироқ Россия империяси ташқи ишлар министрлиги вакиллари ва айрим йирик сарой амалдорлари бу иш амалга оширилса, халқаро миқёсда катта жанжал келиб чиқишини назарда тутиб, император Николай II ни бу фикрдан қайтардилар [2. 91].

“Рўзнома” Бухоро амирлигининг XIX аср охири – XX асрнинг биринчи чорагидаги тарихини ҳар томонлама ўрганишда муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Айни Садриддин. Тарихи инқилоби Бухоро. – Душанбе, 1987.
2. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Биринчи китоб. – Тошкент, 2019.
3. Садри Зиё. Рўзнома / Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ. қўлёзма, №2277.
4. Мирзо Салимбек. Тарих-и Салими (Источник по истории Бухарского эмирата). Перевод с персидского, вводная статья и примечания: Н.Норкулов. – Ташкент: Академия, 2009.
5. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий/ Тоҷик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Шодмон Воҳидов, Зоир Чориев. – Тошкент: Академия, 2001.
6. Фитрат Абдурауф. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. – Душанбе: Палатаи давлати китобҳо, 1991.
7. The Personal History of a Bukharan Intellectual: The Diary of Muhammad Sharif-I Sadr-I Ziya [Brill's Inner Asian Library, 9], Translated from the Original Manuscript by Rustam Shukurov, with an Introductory Study and Commentaries by Muhammadjon Shakuri, Project Direktor Shahrbanou Tadjbaksh, Editor, English Language Edition Edward A. Allworth Leiden, 2004.
8. Остонакул қўшбегининг онаси келиб чиқиши эронлик бўлгани учун Бухоро шаҳрида “Ашуро” маросимини ўтказишга рухсат беради. Илгари бу маросим фақат эронликлар яшайдиган маҳаллаларда ўтказилар эди.
9. Бурхон Шараф. Бухоро мактублари. Татар тилидан Шермурод Субҳон таржимаси. – Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2014.
10. Жамолова Д. Бухоро амирлигида жаҳидлар ва қадимчилар фаолияти. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2021.

11. Рофизийлар – (араб. Рофиз – тарк этиш, рад этиш, баъзан маслагидан қайтиш маъноларида) – ўрта асрларда сунний ислом илоҳиётида изчил ислом йўлидан четга чиққан оқимлар, хусусан шиалар (Абу Бакр (ра) ва Умар (ра) нинг халифалик ҳукукини рад этганлари учун) Рофизийлар деб аталган. Кейинчалик Алини илоҳийлаштириш тарафдорлари бўлган фирқалар (хусусан исмоилийлар) шу ном билан аталган. Умумий маънода Рофизийлар имомийлар, алавийлар ва зайдийларга нисбат берилади.

12. Куръони Карим. Исро сураси, 81 оят.

СУРХОН ВОҲАСИДА МАОРИФ ТИЗИМИНИНГ СОВЕТЧА АСОСДА ҚУРИЛИШИ

Умаров Жамшид Сайидмуратович,

Термиз давлат университети Жаҳон тарихи кафедраси тадқиқотчиси,

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Umarovjamshid510@gmail.com

Аннотация: XX аср 20-30-йилларида мамлакатимиз таълим тизими мураккаб ва зиддиятли даврни бошидан кечирди. Бу даврда совет ҳокимияти “шаклан миллий, мазмунан социалистик” маданият барпо этишга киришди. Совет давлати янги типдаги мактаблар очар экан, аввало ўзига содиқ бўлган кадрларни шакллантиришга ҳаракат қилди. Миллий ғоялар четга сурилиб, ўрнига коммунистик мафкура жорий қилинди. Совет мактабларида асосий эътибор ғоявий-мафкуравий тарбияга қаратилди.

Калит сўзлар: маориф тизими, совет мактаби, эски усул мактаблари, ғоявий-мафкуравий тарбия, коммунистик партия мафкураси, саводсизлик, алифбо.

Аннотация: В 20-30-е годы 20 века образовательная система нашей страны переживала сложный и противоречивый период. В этот период советская власть начала строить «национальную по форме, социалистическую по содержанию» культуру. Советское государство, открывая новые типы школ, в первую очередь старалось формировать лояльные себе кадры. Национальные идеи были вытеснены, а вместо них была внедрена коммунистическая идеология. В советских школах основное внимание уделялось идеологическому и идеологическому воспитанию.

Ключевые слова: система образования, советская школа, школы

старого образца, идейно-идеологическое воспитание, партийная идеология, неграмотность, алфавит.

Abstract: In the 20s and 30s of the 20th century, the educational system of our country experienced a complex and conflicting period. During this period, the Soviet authorities began to build a "national form, socialist in content" culture. The Soviet state, while opening new types of schools, first tried to form personnel loyal to itself. National ideas were pushed aside and communist ideology was introduced instead. In Soviet schools, the main attention was paid to ideological and ideological education.

Key words: educational system, Soviet school, old-style schools, ideological-ideological education, communist party ideology, illiteracy, alphabet.

Сурхон воҳасида совет мактабларини ташкил этиш оғир шароитларда кечди. Негаки, Бухоро амирлиги Қизил Армия томонидан забт этилгач, мамлакатда қаршилиқ ҳаракати кучайиб кетди. Уруш натижасида кўпгина кишлоклар вайрон бўлди. Кўпгина мударрислар ва домлалар ҳалок бўлишди. Мактаб, таълим-тарбия ишлари орқага кета бошлади. Шунга қарамай, зиёлиларнинг фидойилиги билан таълим тизими аста-секинлик билан ўз изига туша бошлади.

1921 йилда Термизда биринчи совет мактаби очилади. Мазкур мактабда таълим